



특허청 (우즈베크)
- 우즈베크어

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI ADLIЯ VAZIRLIГI ХУЗУРИДАГИ
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК АГЕНТЛИГИ ВА
КОРЕЯ RESPUBLIKACI ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ИДОРАСИ ЎРТАСИДА
ХАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА
АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги ва Корея Республикаси Интеллектуал мулк идораси, бундан буён матнда – “Томонлар” деб аталувчилар

интеллектуал мулк ҳуқуқларини самарали тарзда муҳофаза қилиш Томонлар ўртасида иктисодиёт, савдо, илм-фан ва технология соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим рол ўйнашини тушинган ҳолда,

Томонлар интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш истагида, ва

тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаат асосида интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасидаги ҳамкорлик муҳимлигини эътироф этиб,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-Модда

Мақсади

Ушбу Меморандумнинг мақсади Томонлар ўртасидаги ҳамкорликнинг умумий асосларини белгилаш ҳамда улар томонидан интеллектуал мулк объектларини яратиш, рағбатлантириш, муҳофаза қилиш ва уларни ҳуқуқларини таъминлашдан иборат.

2-Модда

Ҳажми

Томонлар иккинчи Томоннинг тегишли миллий қонунлари ва қоидаларига, ҳамда Ўзбекистон Республикаси ёки Корея Республикаси аъзо бўлган халқаро шартномаларга мувофиқ ўзаро манфаат ва тенг ҳуқуқлилиқ асосида ихтиро, фойдали модель, саноат наъмуналари ва товар белгиларини ўз ичига олган интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланиш соҳаларида ҳамкорликни амалга оширади ва ривожлантиради.

3- Модда

Ҳамкорлик соҳалари

Томонлар қуйидаги соҳаларда ҳамкорлик қилишади:

- (а) интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ахборот алмашиш;
- (б) интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш ва фойдаланиш билан боғлиқ масалаларни мувофиқлаштириш;



(в) интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва унга алоқадор соҳаларда ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича ахборот алмашиш;

(г) патент ҳужжатларини, ўқув, методик ва махсус адабиётларни алмашиш;

(д) интеллектуал мулк соҳасида кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш;

(е) интеллектуал мулк соҳасидаги тажрибани ўрганиш учун мутахассислар ўртасида тажриба алмашишни ташкил этиш;

(ж) халқаро ҳамкорликда ва Томонларнинг интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларни амалга ошириш бўйича халқаро шартномаларда иштирок этишлари бўйича тажриба алмашиш;

(з) интеллектуал мулк масалалари бўйича қўшма семинарлар, конференциялар ўтказиш ва кўргазмалар ташкил этиш;

(и) ички фойдаланиш учун (масалан, расмий фойдаланиш, кутубхонадан фойдаланиш, қидирув базасидан фойдаланиш), шунингдек, ташқи фойдаланиш (масалан, тижорат мақсадларида фойдаланиш учун учинчи томонларга тақдим этиш) учун интеллектуал мулк тўғрисидаги маълумотларини алмашиш; ҳамда

(к) Томонлар ўртасида ўзаро келишилиши мумкин бўлган бошқа ҳар қандай ҳамкорлик фаолияти.

4- Модда

Тил

Ушбу Меморандумни амалга оширишда Томонлар ўртасидаги ишчи тил - инглиз тили бўлади. Инглиз тилидан бошқа тилларда ёзилган ҳар қандай ҳужжатга тасдиқланган инглиз тилидаги таржимаси тақдим этилади.

5- Модда

Ҳамкорликни ривожлантириш

1. Томонлар интеллектуал мулк соҳалари бўйича ҳамкорликни ривожлантиришда иш олиб боришади, жумладан саноат мулки объектлари экспертизаси, қонунлар ишлаб чиқиш ва соҳага оид сиёсатни шакллантириш, интеллектуал мулкни бошқариш, тижоратлаштириш, автоматлаштириш, интеллектуал мулк соҳасини тарғибот қилиш ва Томонлар ўзаро белгилайдиган бошқа соҳалар.

2. Ҳамкорликни ривожлантириш Томонлар томонидан ўтказиладиган семинар, қўшма тадқиқотлар, тренинглар шаклида, шунингдек Томонлар ўзаро белгилайдиган вақт ва жойларда бошқа тадбирлар шаклида, бўлиши мумкин.

6- Модда

Ўзгартишлар

Ушбу меморандум, лозим топилган ҳолда, Томонларнинг ўзаро розилиги билан алоҳида-алоҳида баёнда ўзгартирилиши ва тўлдирилиши мумкин. Ушбу ўзгартишлар ва ёки қўшимчалар ушбу меморандумнинг ажралмас қисми бўлиб, имзоланган кундан бошлаб кучга киради.



7- Модда Низоларни ҳал қилиш

Ушбу меморандумнинг талқини ёки бажарилишидан келиб чиқадиган ҳар қандай тортишувлар ва келишмовчиликларни маслаҳат ва музокаралар йўли билан Томонлар ўзаро ҳал этадилар.

8- Модда Яқуний қоидалар

1. Мазкур меморандум охириги имзоланган кундан бошлаб кучга киради. Меморандум беш йил мобайнида амал қилади ва кейинги беш йиллик муддатга узайтирилади, агар Томонлардан бири кейинги беш йиллик муддат тугагунига қадар олти ой олдин бошқа Томонни ўз хоҳишига кўра тўхтатиш истагини билдирган бўлса, меморандум тўхтатилади.

2. Ушбу меморандум бекор қилинган тақдирда, агар Томонлар бошқача тарзда ёзма равишда келишмаган бўлса, барча бошланган ва тугалланмаган ҳамкорлик фаолиятини мазкур шартнома доирасида давом эттирилиши лозим.

2019 йил “___” _____ да Тошкент шаҳрида ва 2019 йил “16” 4
Сеул шаҳрида икки нусхадан, ҳар бири инглиз, ўзбек ва корейс тилларида имзоланди,
барча матнлар бир хил кучга эга.

Ушбу меморандум қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган ҳолларда, Томонлар матнни инглиз тилидаги нусхасини қўллашлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Адлия
вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал
мулк агентлиги номидан

Русланбек Давлетов

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазири

Корея Республикаси Интеллектуал
мулк идораси номидан

Парк Вонжу

Корея Республикаси
Интеллектуал мулк идораси раҳбари